

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА
ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

КАРИЕВА НАЗОКАТХОН ТЕЛМАНОВНА

**ЁШ ХОДИМЛАР ВА РАҲБАРЛАР ОРАСИДАГИ ИШОНЧНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Кариева Назокатхон Телмановна

Ёш ходимлар ва раҳбарлар орасидаги ишончни шакллантириш
механизмлари.....3

Кариева Назокатхон Тельмановна

Механизмы формирования доверия между молодыми сотрудниками и
руководителями.....25

Karieva Nazokatkhon Telmanovna

Mechanisms for building trust between young employees and
managers.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА
ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

КАРИЕВА НАЗОКАТХОН ТЕЛМАНОВНА

**ЁШ ХОДИМЛАР ВА РАҲБАРЛАР ОРАСИДАГИ ИШОНЧНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/P112 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik@.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Базаров Тахир Юсупович

психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич

психология фанлари доктори, профессор

Махмудов Иброҳим Исмоилович

психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Акрамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, доцент

Н.Б.Атабаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Т.Нишанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда интеграция ҳамда глобаллашув кечаётган даврда бошқарув жараёнидаги ижтимоий тизим, унинг алоҳида тузилмалари ва элементларининг ривожланишида ўзаро ишонч феноменини ўрганиш механизмлари кенг тадқиқ этилмоқда. «Ишонч – бу ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятимизнинг янгича асоси эканлигини ва бугунги кунда одамларнинг бор йўғи 34%и бошқаларга, ходимларнинг 51%и раҳбарларига ишониши»¹ раҳбар-ходим орасидаги ташкилий ишончни шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни, механизмларини ривожланиши муаммосини тадқиқ этиш масаласини қўймоқда. Бу борада раҳбар-ходим муносабатларидаги ижтимоий перцепция механизмларини такомиллаштириш, жамоадаги шахслараро муносабатлар тизимини барқарорлаштириш, ташкилотлардаги психологик муҳитни яхшилаш чора тадбирларини амалга ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий марказларида раҳбар ва ходим орасидаги ишонч феноменини ўрганишга бўлган диққат-эътибор унинг иккиёқлама табиати ва доимий ўзгариши билан боғлиқ психологик хусусиятларни аниқлаш, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни барқарорлаштириш механизмларини тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ёш ходим ва раҳбарлар орасидаги ишончни шакллантириш механизмларидан ишонч феноменини ривожлантириш, «раҳбар-ходим» муносабатларидаги деструктив жиҳатларни коррекциялаш, психологик муҳитни соғломлаштириш орқали ишончни таркиб топтириш зарурлиги масалалари бўйича кенг қўламли илмий тадақиқот ишлари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда бошқарув жараёнини такомиллаштиришда, раҳбар-ходим муносабатлари тизимидаги ўзаро ташкилий ишончни оптималлаштиришда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб бошқарувнинг замонавий моделларидан фойдаланиш, шу билан бир қаторда IT стандартларига жавоб бера оладиган рақамли инфратузилмани барпо этиш учун ташкилий ишончнинг ахлоқий жабҳаларини тизимлаштиришга йўналтирилган стратегик вазифаларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. Шу мақсадда «Бошқарувнинг барча босқичларида давлат органларининг самарадорлиги, ҳисобдорлиги ва шаффофлигини ошириш»² устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиб, бу борада раҳбар-ходим муносабатлари тизимида ўзаро ишончни ошириш, ташкилий ишончнинг самарали бошқарувдаги аҳамиятини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларни амалга оширишга етарли асос яратилганлиги муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ Stephen M. R. Covey. The speed of Trust – US. New York, 2014. – 353 p./ <https://www.speedoftrust.com/>

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 83-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори/<https://lex.uz/docs/5870397>

стратегияси тўғрисида», 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017 «Ўзбекистон Республикасида давлат ёшлар сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлар, 2019 йил 3 октябрдаги ПҚ-4472 -сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 3 октябрдаги ПҚ-5843 -сон «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон «Малакани баҳолаш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз психологлари томонидан ишонч феномени алоҳида тадқиқот предмети сифатида тадқиқ этилмаган бўлса ҳам, бошқарув, бошқарув услублари ва раҳбар шахси психологияси, ташкилий ҳуққ муаммоси Н.Боймуродов, В.М.Каримова, И.И.Махмудов, Х.А.Тиллашайхова, Г.Б.Шоумаров, О.Р.Шойимова, О.Е.Ҳайитовлар томонидан илмий тадқиқ этилган.

Мустақил давлат ҳамдўстлиги олимларидан И.В.Антоненко, Т.Ю.Базаров, А.И.Донцов, А.Л.Журавлев, В.П.Зинченко, Е.П.Ильин, А.Б.Купрейченко, Т.А.Нестик, Л.Г.Почебут, Т.П.Скрипкина, Л.И.Уманский, П.Н.Шихиревлар томонидан ташкилий ишонч феноменининг ижтимоий-психологик хусусиятлари илмий тадқиқ этилган.

Хориж тадқиқотчиларидан А.Маслоу, К.Роджерс, А.Селигман, Ф.Фукуяма, Р.Чалдини, Р.Б.Шо, П.Штомпк, Э.Эриксон ва бошқалар томонидан ташкилотга бўлган ишонч турли хил нуқтаи-назардан илмий тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ПЗ - 20170927486 «Ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини аниқлаш ва мансаб поғоналарида ўсиш истиқболлини белгилаш технологиялари» лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади раҳбарлар ва ёш ходимлар ўртасидаги ишончни шакллантириш механизмларини аниқлаш ва ташкилотда ўзаро ишочни ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

асосий эмпирик тадқиқот асосланадиган ташкилий ишончининг мавжуд концепциясини модификация қилиш;

ташкилий ишонч феномени ҳақидаги тасаввурларни диагностика қилувчи такомиллаштирилган ташкилий ишонч моделига асосланган психометрик маълумотларни тадқиқ этиш;

ташкilotда «рахбар – ҳодим» муносабатларидаги ўзаро ишонч ҳақидаги тасаввурларни ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш;

рахбар ва ёш ходим ўртасида ўзаро ишончни шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида ёш ходим ва раҳбарлар орасидаги ишончни шакллантириш механизмларини тадқиқ этиш жараёни танланган бўлиб, тадқиқотнинг биринчи босқичида 150 нафар респондент (86 эркак ва 64 аёл); иккинчи босқичда ҳар хил давлат ва тижорат ташкilotларида иш тажрибасига эга бўлган 250 нафар респондент улардан 135 эркак ва 115 аёл, тадқиқотнинг учинчи асосий босқичида 350 нафар респондент жалб этилди (улардан 165 киши (112 эркак ва 53 аёл) 29 ёшдан 50 ёшгача бўлган давлат ва тижорат ташкilotлари бўлим бошлиқлари ва раҳбарлари ва 185 киши (107 эркак ва 78 аёл)) 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган ташкilot ходимлари), тадқиқотда жами 750 нафар респондент иштирок этган.

Тадқиқот предметини раҳбар ва ёш ходимлар ўртасидаги ишончни шакллантириш механизмларини аниқлашга имкон берадиган ишонч ҳақидаги тасаввурлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида қуйидаги тадқиқот методларидан фойдаланилди: контент-таҳлил методи, проектив методлар (тугалланмаган гаплар методи (ТГМ)), сўровнома туридаги психодиагностика усулларида Ш.Шварцнинг қадриятлар йўналишлари методикаси, Т.Ю.Базаровнинг «Гуруҳ иши устасининг роллари» методикаси (Р.Шайхутдиновнинг модификацияси), Н.Т.Кариева, Т.Ю.Базаровларнинг ташкilotда ишонч ҳақидаги тасаввурларни аниқлашнинг муаллифлик методикасидан фойдаланилди, олинган маълумотларни статистик таҳлил қилиш учун тавсифловчи статистика, нормалликни текширишнинг Колмогоров-Смирнов тести (Лиллиефорс, Шапиро-Уилк тузатишлари билан), ишончлилик-мувофиқликни текшириш учун альфа Кронбах коэффициенти, t-Студент, 2-Пирсон, U-Манна-Уитни мезонлари бўйича параметрик ва нопараметрик таққослаш усуллари, конфирматор фактор таҳлили, хи-квадратлар фарқи, корреляцион таҳлил, дисперсион таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ташкilotдаги ишончининг концептуал модели ёш раҳбар ва ходимларни «ўзаро ишонч профили» ҳақидаги тасаввурларининг ҳиссий-когнитив хусусиятлар орқали дифференциаллашувига мувофиқ, «самарадорлик», «ташкилий интизом», «бошқаларга ғамхўрлик қилиш» тузилмаларига «ахлоқий интизом» компонентини бириктириш асосида такомиллаштирилган;

ташкilotда ўзаро ишончга асосланган муносабатларни таркиб топтиришда ижтимоий вазиятларни ҳаққоний баҳолаш жараёнига каузал интеллектни (ижтимоий таъсир этиш, толлентлик) ахлоқий мотивлар таъсирида

сингдириш мумкинлиги туфайли «ишонч» феномени ҳақидаги тасаввурларнинг «компетентлик» компонентини шакллантириш муҳим психологик механизм эканлиги далилланган;

раҳбарлардаги ишонч ҳиссининг шаклланиш механизмини бошқарув жараёнида намоён бўлиши ижтимоий коммуникациядаги эмпатиянинг гуруҳий кадриятлар таъсирида трансформацияланиши туфайли ходимлардаги бошқаларга ғамхўрлик қилиш ҳиссини устувор ривожланганлигига тўғри пропорционал эканлиги исботланган;

ёш ходимларда ишонч ҳиссини шаклланишига кўра, меҳнат мотивациясининг ҳиссий, ахлоқий, ташкилотчилик компетенцияларига мувофиқ дифференциациясига асосланиб, раҳбар фаолиятидаги «самарадорлик» мезони устувор ҳарактерга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ташкилий ишонч ҳақидаги тасаввурларни аниқлаш имконини берувчи янги диагностик восита ишлаб чиқилган;

ташкилий ишонч таркибидаги «тартиб-интизом» каби компонентни иккита позициядан, яъни ўзаро муносабатларнинг ташкилий томонини ифодаловчи ташкилий тартиб-интизом ва муносабатларнинг ахлоқий томонини акс эттирувчи ахлоқий тартиб-интизом сифатида кўриб чиқиш механизмлари амалиётга тадбиқ этилган;

раҳбарларда ходимларга нисбатан ишончли муносабатларни шакллантириш механизмида компетентлик компоненти эксперт, ахлоқий, ташкилий ва эмоционал компетентлик сифатида намоён бўлишига оид ижтимоий-психологик модел такомиллаштирилган;

раҳбарларда ишончни шакллантириш механизмида бошланғич компонент сифатида ходим ва раҳбарларнинг эмоционал компетентлиги муҳим мезон эканлигига устуворлик берувчи психологик механизмлар амалиётган жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги тадқиқотнинг илмий асосланган методологик асоси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мос келадиган адекват методикалар мажмуасидан фойдаланилганлиги, ташкилий ишонч ҳақидаги тасаввурларнинг мазмунини сифат ва сон жиҳатдан таҳлил қилиш методларини қўлланилганлиги, тадқиқотда иштирок этган одамларнинг етарли даражада репрезентативлиги, математик статистиканинг аниқ методларидан фойдаланилганлиги, турли хил бир-бирини тўлдирувчи қўшимча методлар ва ишончли манбалардан фойдаланган ҳолда босқичма-босқич тадқиқотларни ўтказилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган маълумотлар ташкилий ишонч феномени, унинг шаклланиш механизмлари ва бу механизмларни белгиловчи омиллар ҳақидаги назарий тасаввурларни тўлдириши, тадқиқот натижалари бизнес муносабатларининг ажралмас қисми бўлган раҳбарлар ва ёш ходимлар ўртасидаги ишончли муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини назарий асослашга имкон бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлардан ташкилотларнинг кадрлар сиёсатини шакллантириш учун асос сифатида фойдаланилиши, тадқиқотда аниқланган ташкилотдаги раҳбарлар ва ёш ходимларда ишонч ҳақидаги тасаввурларни ташкилий консультация бериш соҳасида ишлайдиган психологлар, бизнес муносабатларининг самарадорлигини ошириш ва ташкилотдаги психологик муҳитни яхшилашга қаратилган тренинг дастурларини тузишда, ходимлар ва раҳбарларнинг мотивацион салоҳиятини ривожлантиришда, ташкилий ишончни диагностика қилиш усулларини тизимлаштиришда, ташкилот раҳбарлари ва ходимларининг малакасини ошириш дастурларини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Раҳбарлар ва ёш ходимлар ўртасида ишончни шакллантириш механизмлари ҳақидаги диссертация тадқиқоти натижалари асосида:

ташкилотдаги ишончнинг концептуал модели ёш раҳбар ва ходимларни «ўзаро ишонч профили» ҳақидаги тасаввурларининг ҳиссий-когнитив хусусиятлар орқали дифференциаллашувига мувофиқ, «самарадорлик», «ташкилий интизом», «бошқаларга ғамхўрлик қилиш» тузилмаларига «ахлоқий интизом» компонентини бириктириш асосида такомиллаштирилганлигига оид тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси ўқув жараёнида ва Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказ фаолиятида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДБА 2021 йил 27-августдаги 03/1173 маълумотномаси; Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказнинг 2021 йил 26-августдаги ПМ-20-а маълумотномаси). Натижада, бу Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказидаги психолог кадрларни тайёрлаш курсларида, ДБА тингловчиларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлиги оширилган;

ташкилотда ўзаро ишончга асосланган муносабатларни таркиб топтиришда ижтимоий вазиятларни ҳаққоний баҳолаш жараёнига каузал интеллектни (ижтимоий таъсир этиш, толрентлик) ахлоқий мотивлар таъсирида сингдириш мумкинлиги туфайли «ишонч» феномени ҳақидаги тасаввурларнинг «компетентлик» компонентини шакллантириш муҳим психологик механизм эканлиги далилланганлиги билан боғлиқ илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий маркази фаолиятида қўлланилди (Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 6-сентябрдаги № 2-13-23-2216 маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДБА 2021 йил 27-августдаги 03/1173 маълумотномаси; Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказнинг 2021 йил 26-августдаги ПМ-20-а маълумотномаси). Бу эса агентлик ташкилотининг раҳбарияти ва ходимлари ва ДБА тингловчиларининг малакаларини баҳолаш сифатини оширишга ва Низомий номидаги ТДПУ Психология ўқув-илмий марказида психологларнинг

касбий компетенцияларини ривожлантириш бўйича услубий таъминоти такомиллаштирган;

раҳбарлардаги ишонч ҳиссининг шаклланиш механизмини бошқарув жараёнида намоён бўлиши ижтимоий коммуникациядаги эмпатиянинг гуруҳий кадриятлар таъсирида трансформацияланиши туфайли ходимлардаги бошқаларга ғамхўрлик қилиш ҳиссини устувор ривожланганлигига тўғри пропорционал эканлиги исботланганлиги билан боғлиқ илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Республикаси президенти хузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий маркази фаолиятида қўлланилди (Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 6-сентябрдаги № 2-13-23-2216 маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги ДБА 2021 йил 27-августдаги 03/1173 маълумотномаси; Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26-августдаги ПМ-20-а маълумотномаси). Натижада, бу агентлик ташкилоти раҳбарияти ва ходимлари ишини такомиллаштириши ва самарадорлигини оширишга, ДБА тингловчилари фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги кўникмаларни эгаллашга, шунингдек, Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказида психологлар томонидан олиб бориладиган бошқарув психологияси соҳасидаги илмий тадқиқотлар сифатини оптималлаштирган;

ёш ходимларда ишонч ҳиссини шаклланишига кўра, меҳнат мотивациясининг ҳиссий, ахлоқий, ташкилотчилик компетенцияларига мувофиқ дифференциациясига асосланиб, раҳбар фаолиятидаги «самарадорлик» мезони устувор характерга эга эканлиги асосланганлиги билан боғлиқ илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Республикаси президенти хузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий маркази фаолиятида қўлланилди (Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 6-сентябрдаги № 2-13-23-2216 маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги ДБА 2021 йил 27-августдаги 03/1173 маълумотномаси; Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26-августдаги ПМ-20-а маълумотномаси). Натижада, бу агентлик ташкилоти раҳбарияти ва ходимлари ишини такомиллаштириши ва самарадорлигини оширишга, ДБА тингловчилари фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги кўникмаларни эгаллашга, шунингдек, Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказида психологлар томонидан олиб бориладиган бошқарув психологиясига оид илмий-назарий манбаларни такомиллаштирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та республика ва 2 та халқаро илмий конференцияларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқот ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 123 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технология тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предметини аниқланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, шунингдек, тадқиқот методлари тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, унинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган натижаларнинг апробацияси ва жорий қилиниши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда **«Ишончни ўрганишнинг ижтимоий-психологик асослари ва унинг шаклланиш хусусиятлари»** диссертация мавзуси бўйича назарий ва эмпирик тадқиқотлар ҳақида умумий маълумот берилган бўлиб, ишонч ҳодисасини аниқлашга доир турли ёндашувлар таҳлил қилинади, ташкилий ишонч тушунчаси ва шу тушунча ўрганилган концепция очиб берилади ҳамда ташкилий ишончни шакллантириш хусусиятларини кўриб чиқилади. Фалсафа, социология, иқтисод ва сиёсатшунослик каби турли ижтимоий-гуманитар фанларда ишонч феноменининг тушунилиши очиб берилади.

Психология фанида ишончни аниқлашга доир рус ва чет эл муаллифларининг турли хил ёндашувлари кўриб чиқилади. МДХ олимлари орасида ишонч муаммоси билан А.Б.Купрейченко, Т.П.Скрипкина, В.П.Зинченко, Е.П.Ильина, И.В.Антоненко, А.Л.Журавлев, П.Н.Шихирев ва бошқалар шуғулланишган. Уларнинг асарларида ишонч муносабат, кўрсатма, ҳолат, ҳис-туйғу, шахсий ва (ёки) гуруҳ хусусияти, ижтимоий алмашиш ва ахборот ва бошқа муҳим манфаатлар ва ҳ.к. ларни узатиш жараёни сифатида кўриб чиқилади. Хорижий тадқиқотчилар орасида ишонч психологиясининг турли жиҳатларини тушуниш А.Маслоу, К.Роджерс, Э.Эриксон, Ф.Перлз, Э.Шостром, Дж.Хоманс, Ф.Тейлор, Э.Гидденс, С.Джурард ва бошқаларнинг илмий ишларида келтирилган. А.В.Купрейченко ва С.П.Табхарова, В.С.Сафонов, Т.П.Скрипкина, И.В.Антоненко, И.В.Балакшин ва бошқаларнинг ишончнинг ижтимоий-психологик вазифаларини аниқлашга турли хил асослари келтирилади, бу инсон ҳаётида ишончнинг асосий вазифаларининг катта спектри мавжудлигини кўрсатади.

Ташкилотдаги ишонч тушунчаси кўриб чиқилган бўлиб, унинг муаммоси билан Р.Б.Шо, П.Н.Шихирев, Т.А.Нестик, А.Л.Журавлев, Т.Ю.Базаров, Л.Г.Почебут, И.А.Мейжис, Р.Левицки, Б.Бункер каби олимлар шуғулланишган. Ташкилотга бўлган ишонч турли хил нуқтаи-назардан кўриб чиқилган: ташкилот миждози сифатида қатнашаётган инсоннинг ташкилотга бўлган ишончи,

ташкilotнинг мижозга бўлган ишончи, масалан, ташкilotнинг жисмоний шахсга кредит бериш жараёнида, ташкilot ичидаги ишонч (ҳамкасблар ўртасидаги ишонч, раҳбар ва ходимлар ўртасидаги ишонч), ташкilotлар ўртасидаги ишонч ва бошқалар. Ушбу илмий ишда биз ташкilotдаги ишончни ташкilot ходимлари ўртасидаги ва раҳбар ва бўйсунувчи ўртасидаги ишонч муносабатлари, яъни индивид-индивид позициясидан кўриб чиқамиз. Шундай қилиб, ташкilotдаги ишончни биз «муносабат» категорияси орқали аниқлаймиз.

Ташкilotга бўлган ишончни шакллантиришга таъсир қилувчи омиллар кўриб чиқилган. Ишончнинг шаклланиш механизми таърифи берилган бўлиб, у ташқи ва ички омиллар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи, маълум бир қонуниятга бўйсунувчи психологик жараён сифатида белгиланади. Ушбу механизмнинг таркибий қисмлари нуқтаи назаридан ишончнинг қуйидаги компонентлари белгиланади: самарадорлик, тартиб-интизом, бошқаларга ғамхўрлик қилиш. Ишонч муносабатларининг шаклланиш механизмидаги ташкilotдаги ишонч модели асоси сифатида биз таниқли бизнес-маслаҳатчи Роберт Брюс Шонинг ташкilotдаги ишончнинг концептуал моделини олдик.

Иккинчи боб «**Ташкilotга бўлган ишонч концепциясини методологик ва услубий ишлаб чиқиш**» эмпирик тадқиқот босқичларини ташкил этиш, ташкilotда ишонч ҳақидаги тасаввурларни аниқлаш мақсадида ташкilotга бўлган ишончнинг концептуал модели ва методик воситаларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий босқичлари ва ҳар бир босқичда бажариладиган вазифалар баён этилган. Диссертация тадқиқоти уч босқичдан иборат: 1) Р.Шонинг ташкilotга бўлган ишонч моделини қўллаш ва унинг модификацияси; 2) ташкilotда ишонч ҳақидаги тасаввурларни аниқлашга қаратилган муаллифлик методикасини ишлаб чиқиш ва унинг бирламчи апробацияси (синовдан ўтказиш); 3) раҳбарлар ва ёш ходимлар ўртасида ишончни шакллантириш механизмларини аниқлаш. Ҳар бир босқичнинг мақсад ва вазифаларига қараб тегишли тадқиқот методлари ва методикалари баён этилади.

Р.Шонинг ташкilotга бўлган ишончнинг концептуал моделига асосланган ташкilotга бўлган ишончнинг концептуал моделини ўзгартиришга қаратилган тадқиқотлар батафсил баён этилган. Модификацияланган концептуал моделда, умуман олганда, компания ходимларининг тасаввурларида ташкilotга бўлган ишонч самарадорлик, тартиб-интизом ва бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш каби категорияларда намоён бўлиши тасдиқланади. Бироқ, аниқландики, тасаввурларда «тартиб-интизом» категорияси «ахлоқий тартиб-интизом» деб ифодаланган бўлиб, «ташкилий тартиб-интизом» каби янгича ракурсдан очиб берилган. Шундай қилиб, ташкilotга бўлган ишонч 4та асосий таркибий қисмлардан иборат: самарадорлик, ахлоқий тартиб-интизом, ташкилий тартиб-интизом ва бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш.

Ташкilotда ишонч ҳақидаги тасаввурларни аниқлаш бўйича муаллифлик методикасини ишлаб чиқиш тартиби ва унинг бирламчи апробациясининг натижалари таърифланган.

Методика асосини ишончнинг тўртта асосий компонентлари ташкил этди: самарадорлик, ахлоқий тартиб-интизом, ташкилий тартиб-интизом ва бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш. Ҳар бир шкала таркибида тегишли субшкалалар мавжуд. «Самарадорлик» шкаласида қуйидаги субшкалалар фарқланади: самарадорлик, вақтни бошқариш, мақсадни белгилаш, жамоавий ишлаш; «ахлоқий тартиб-интизом» шкаласида – ҳурмат, ташкилот кадриятлари; «ташкилий тартиб-интизом» шкаласида – мажбурият, корпоратив маданият; «бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш» шкаласида – жалб қилиш, рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, тушуниш. Муаллифлик методикасининг асосий психометрик кўрсаткичларини аниқлашнинг бир қатор статистик ҳисоб-китоблари натижасида сўровномамизнинг ташкилотга бўлган ишонч ҳақидаги тасаввурларни аниқлашга қаратилган шкалалари юқори даражадаги ишончлилик, бир-бирига мувофиқликка эга эканлиги аниқланди. Жинс бўйича методикани валидликка текшириш эркалар ва аёллар ўртасида «бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш» каби ишонч компонентини идрок этишда фарқлар (мойиллик даражасида) мавжудлигини аниқлади.

«Ёш ходимлар ва уларнинг раҳбарлари ўртасидаги ишончни шакллантириш механизмларини аниқлашнинг эмпирик тадқиқоти» номли учинчи бобда раҳбарлар ва ёш ходимлар ўртасидаги ишонч ҳақидаги тасаввурлари ва уларнинг кадриятлари ва гуруҳдаги ходим/раҳбар роллари («ФаМеМо») билан ўзаро алоқаларни аниқлашга қаратилган тадқиқотлар натижалари келтирилган бўлиб, улар биз ишлаб чиққан диагностика воситаларнинг эмпирик валидлигини исботлайди. Шунингдек, олинган натижалар ва ташкилотда ишонч ҳақидаги тасаввурларнинг таҳлили асосида ташкилотларнинг раҳбарлари ва ёш ходимлари ўртасида ишончни шакллантириш механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Раҳбарлар ва ёш ходимларнинг ишонч ҳақидаги тасаввурлари ва кадриятлар ориентациялари билан ўзаро алоқаларини аниқлашга қаратилган эмпирик тадқиқот келтирилган. Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, кадриятлар ориентациялари ишонч ҳақидаги тасаввурлар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ишонч компонентлари кўринишида келтирилган: самарадорлик, ахлоқий тартиб-интизом, ташкилий тартиб-интизом, бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш. «Самарадорлик» нинг – ютуққа эришиш, мустақиллик ва ҳокимият каби кадриятлар ориентациялари билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди; «ахлоқий тартиб-интизом» эса – конформлик билан боғлиқ; «ташкилий тартиб-интизом» мустақиллик ва ютуқлар билан ўзаро боғлиқ; «бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш» – меҳрибонлик ва универсализм билан боғлиқ. Анъаналар ва хавфсизлик каби кадриятлар билан ишончнинг таркибий қисмлари орасида ўзаро алоқалар аниқланмади.

Раҳбарлар ва ёш ходимларда ишонч ҳақидаги тасаввурларнинг гуруҳ роллари билан ўзаро алоқаларини аниқлашга қаратилган эмпирик тадқиқот келтирилган. Ўтказилган тадқиқот натижалари гуруҳ роллари (фасилитатор, медиатор, модератор) ва ташкилотга бўлган ишонч ҳақидаги тасаввурлари ўртасида кучли ижобий алоқалар борлигини кўрсатди. Ишончнинг барча таркибий қисмлари барча уч гуруҳ роллари билан кучли ижобий алоқага эга,

биноқ «Самарадорлик» ва «Ташкилий тартиб-интизом» кўпроқ «Модератор» шкаласи билан, «Бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш» эса кўпроқ «Медиатор» шкаласи билан боғлиқ.

Раҳбарлар ва ёш ходимлар ўртасида ташкилотга бўлган ишонч ҳақидаги тасаввурларни аниқлашга қаратилган эмпирик тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, улар ташкилотга бўлган ишончнинг модификация қилинган концептуал моделида асосланади.

Раҳбарлардан олинган натижалар. Статистик ҳисоб-китоблар натижасида самарадорлик, ахлоқий тартиб-интизом, ташкилий тартиб-интизом, бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш шкалаларининг ифодаланганлик даражасида сезиларли фарқлар ($p < 0,05$) мавжудлиги аниқланди.


1- жадвал

Раҳбарларда ишонч компонентларини ифодаланганлик даражаларининг жуфт бўлиб таққослашлари

| (I) Шкала | (J) Шкала | Ўрта қийматларнинг фарқи (I-J) | p-қиймат |
|--|---------------------------------|--------------------------------|----------|
| <i>Самарадорлик</i> | ахлоқий тартиб-интизом | 0,337(*) | 0,001 |
| | ташкилий тартиб-интизом | -0,043 | 0,568 |
| | бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш | -0,276(*) | 0,001 |
| <i>Ахлоқий тартиб-интизом</i> | Самарадорлик | -0,337(*) | 0,001 |
| | ташкилий тартиб-интизом | -0,379(*) | 0,001 |
| | бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш | -0,613(*) | 0,001 |
| <i>Ташкилий тартиб-интизом</i> | Самарадорлик | 0,043 | 0,568 |
| | ахлоқий тартиб-интизом | 0,379(*) | 0,001 |
| | бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш | -0,234(*) | 0,001 |
| <i>Бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш</i> | Самарадорлик | 0,276(*) | 0,001 |
| | ахлоқий тартиб-интизом | 0,613(*) | 0,001 |
| | ташкилий тартиб-интизом | 0,234(*) | 0,001 |

1-жадвалда раҳбарларда ишонч компонентларини ифодаланганлик даражаларининг жуфт бўлиб таққослашлар кўрсаткичлари акс этган бўлиб, маълумотлардан кўринадики, самарадорлик ва ташкилий тартиб-интизом компонентларидан ташқари ($p=0,568$) ишончнинг барча таркибий қисмлари ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд ($p=0,001$). Самарадорлик ва ташкилий тартиб-интизом ўртасида сезиларли фарқлар аниқланмади.

Раҳбарларда ишонч компонентларининг ифодаланганлиги бўйича тавсифий статистикани ўтказишда «бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш» шкаласи бўйича (3,98) ўртача қиймат бошқа барча шкалалар бўйича баллардан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди. Энг паст балл ахлоқий тартиб-интизом шкаласида (3,37) кузатилмоқда, у барча шкалалардан анча паст. Самарадорлик ва ташкилий тартиб-интизом бўйича баллар оралиқ ўринни эгаллайди ва биридан сезиларли фарқ қилмайди. Олинган натижаларни 1-расмда аниқроқ кўриш мумкин.



1-расм. Раҳбарлар тасаввурларида ишонч компонентлари муҳимлигининг профили

Олинган маълумотлар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, раҳбарлар учун ўз ҳамкасбларига ишончни шакллантиришда ишончнинг барча 4та таркибий қисмлари муҳим ва ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Бироқ, 1-расмда кўриниб турибдики, ишончнинг барча таркибий қисмларидан бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш ишонч муносабатларини шакллантиришда энг муҳим ҳисобланади. Кейинги аҳамиятга кўра, самарадорлик ва ташкилий тартиб-интизом каби хусусиятларнинг намоён бўлиши деярли бир хил даражада кузатилмоқда. Бундай қонуният, бир томондан, самарадорлик ва ташкилий тартиб-интизом тушунчаларининг мазмуни бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги, бири иккинчисидан келиб чиқиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ташкилий тартиб-интизом самарали ишлаш ва натижаларга эришишнинг шarti ҳисобланади. Бошқа томондан, самарадорлик ва ташкилий тартиб-интизомнинг муайян интерференцияси ҳосил бўлади. Ҳаракатлар ва хулқ-атворнинг изчиллиги ва мувофиқлигининг имитацияси ташкилий тартиб-интизом сифатида қабул қилинади, самарадорликни имитация қилиш эса мумкин эмас, чунки у маълум бир ҳақиқий натижалар орқали баҳоланади. Шунинг учун ташкилий тартиб-интизомни баҳолаш самарадорликни баҳолаш билан биргаликда содир бўлиши керак. Ниҳоят, ҳамкасблар/ходимларнинг ахлоқий тартиб-интизомининг намоён бўлиши каби ишончнинг хусусияти билан доира ёпилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ташкилий ишонч моделини ишлаб чиқиш ва ўтказилган эмпирик тадқиқот натижасида ишончнинг ҳар бир компоненти психологик жиҳатдан тегишли компетентлик билан таъминланиши аниқланди, буни ишонч муносабатларини шакллантириш механизми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Ташкилотга бўлган ишончнинг психологик омилларини таҳлил қилиш, айнан раҳбар ва ходимларнинг компетентлиги ишонч муносабатларини шакллантириш механизмларининг асоси ва мазмуни деб ҳисоблаш имконини беради. Компетентлик ва ишонч компонентларининг ўзаро мураккаб алоқалари бизни ташкилий ишонч ҳақидаги тизимли тасаввурда муҳим қисм етишмаяпти деган тахминга олиб келади, буни биз ишончни шакллантириш механизмининг «компетентлик компоненти» деб номлашни таклиф қиламиз, бу шахснинг

ишонч муносабатларини ўрнатишни талаб қиладиган вазиятларни аниқлаш ва ижтимоий контекстдан келиб чиққан ҳолда билим, кўникма ва малакаларни етарли даражада қўллаш қобилияти.

4та асосий компетентликлар: профессионал ёки эксперт компетентлик, ахлоқий, ташкилий компетентлик ва эмоционал компетентликдан иборат бўлган раҳбарларда ишончни шакллантириш механизмининг компетентлик компоненти бўйича олинган натижаларнинг таҳлили 2-расмда келтирилган қуйидаги натижаларни кўрсатди.



2-расм. Раҳбарларда ишонч муносабатларини шакллантириш механизмининг компетентлик компонентининг таркиби

2-расмда қуйидаги қонуниятни кўриш мумкин: ишончнинг шаклланиш механизмининг компетентлик компонентида энг аҳамиятлиси эмоционал компетентлик, кейин эксперт, ундан сўнг ташкилий ва охирида ахлоқий компетентликдир. Шуниси қизиқки, компетентлик компоненти тузилишида аниқланган қонуният раҳбарлар ишончининг тузилишидаги қонуниятга мос келади, унда ўзаро таъсирларнинг эмоционал жиҳатининг аҳамияти устун бўлади, кейин профессионал, сўнгра ташкилий ва ниҳоят ахлоқий (1-расмга қаранг). Бошқача қилиб айтганда, ишончнинг ҳар бир компонентига нисбатан, раҳбарларда ишонч муносабатларини шакллантириш механизмида максимал даражада унга мос (аутентик) бўлган компетентлик актуаллашади.

Ёш ходимлардан олинган натижалар. Статистик ҳисоб-китоблар натижасида самарадорлик, ахлоқий тартиб-интизом, ташкилий тартиб-интизом, бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш шкалаларининг ифодаланганлик даражасида сезиларли фарқлар ($p=0,001$) мавжудлиги аниқланди. 2-жадвалда ёш ходимларда ишонч компонентларининг ифодаланганлик даражаларининг жуфт қилиб таққослашлар кўрсаткичлари келтирилган.

2-жадвалда самарадорлик ва ахлоқий тартиб-интизом, ахлоқий ва ташкилий тартиб-интизом ($p=0,001$) ишонч компонентларининг ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлиги кўрсатилган. Бироқ, ташкилий тартиб-интизом ва бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш компонентлари ўртасида сезиларли


фарқлар аниқланмади ($p=1$). Бошқа компонентлар ўртасида фарқлар тенденция даражасида мавжуд.

2- жадвал

Ёш ходимларда ишонч компонентларини ифодаланганлик даражаларининг жуфт бўлиб таққослашлари

| (I) Шкала | (J) Шкала | Ўрта қийматларнинг фарқи (I-J) | p-қиймат |
|---------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|----------|
| Самарадорлик | ахлоқий тартиб-интизом | 0,131(*) | 0,001 |
| | ташкилий тартиб-интизом | -0,073 | 0,082 |
| | бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш | 0,097(*) | 0,036 |
| Ахлоқий тартиб-интизом | Самарадорлик | -0,131(*) | 0,001 |
| | ташкилий тартиб-интизом | -0,204(*) | 0,001 |
| | бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш | -0,107(*) | 0,035 |
| Ташкилий тартиб-интизом | Самарадорлик | 0,073 | 0,082 |
| | ахлоқий тартиб-интизом | 0,204(*) | 0,001 |
| | бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш | 0,024 | 0,972 |
| Бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш | Самарадорлик | -0,097(*) | 0,036 |
| | ахлоқий тартиб-интизом | 0,107(*) | 0,035 |
| | ташкилий тартиб-интизом | -0,024 | 0,972 |

Ёш ходимларда ишонч компонентларининг ифодаланганлиги бўйича тавсифий статистикани ўтказишда самарадорлик шкаласи бўйича ўртача қиймат (3,48) сезиларли даражада (тенденция даражасида) бошқа барча шкалалар бўйича баллардан юқори бўлди. Энг паст балл ахлоқий тартиб-интизом шкаласи бўйича кузатилади (3,28). Ходимлар учун бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва ташкилий тартиб-интизомнинг муҳимлиги оралиқ ўринни егаллайди ва бири-биридан сезиларли даражада фарқ қилмайди. Олинган натижаларни 3-расмда аниқроқ кўриш мумкин.



3-расм. Ёш ходимлар тасаввурларида ишонч компонентлари муҳимлигининг профили

Олинган маълумотлар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, ходимлар, шунингдек, раҳбарлар учун ўз ҳамкасбларига ёки бевосита ўзларининг раҳбариятига бўлган ишончни шакллантиришда ишончнинг барча 4та таркибий

қисмлари муҳим ва ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Бирок, компания персонали учун, ишонч муносабатларини шакллантиришда ишочнинг барча компонентларидан энг муҳим таркибий қисми самарадорлик ҳисобланади. Кейинги ташкилот ходими учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ташкилий тартиб-интизом ва бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш каби хусусиятлар оралиқ ўринни эгаллайди. Ва ниҳоят, ташкилотда ишончнинг ўзаро алоқалари компонентларининг доирасини яқунлайдиган, аҳамияти ва муҳимлиги бўйича охириги компонент ахлоқий тартиб-интизом ҳисобланади. Ходим учун раҳбарият ва ҳамкасбларнинг ахлоқий тартиб-интизомининг намоён бўлиши ўзаро муносабатларнинг ахлоқий томонини акс еттирадиган катта аҳамиятга эга компонент ҳисобланади.

Ходимларда ишончни шакллантириш механизмининг компетентлик компоненти тузилишининг таҳлили 4-расмда аниқ келтирилган.



4-расм. Ёш ходимларда ишонч муносабатларини шакллантириш механизмининг компетентлик таркибий қисмининг тузилиши


4-расмда кўриниб турибдики, ходимлар учун ишончни шакллантириш механизмининг компетентлик компонентининг энг муҳим таркибий қисми эмоционал компетентлик ҳисобланади. Ундан кейин аҳамияти бўйича бир хил даражада эксперт ва ташкилий компетентлик бўлиб, улар ходимнинг профессионализи, ўз соҳасида катта амалий тажриба, билим, кўникмалари, саводхонлиги ва фаолиятни ташкил этишда аниқликни ифодалайди, бу эса ташкилотнинг ички жараёнларини қуришда сифатли иш ва профессионализм билан амалга оширилишини таъминлайди. Ва кейинги аҳамиятга эга компонент ахлоқий компетентлик бўлиб, у ишдаги муносабатларда муҳим аҳамият касб этади, бу инсоннинг ҳалоллик, адолатлилик, виждонлилик ва бошқалар каби ахлоқий меъёр ва қадриятларга риоя қилиш қобилиятини ифодалайди.

Ёш ходимлар ва раҳбарларда ташкилотга бўлган ишонч ҳақидаги тасавурларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилган ва олинган маълумотлар асосида раҳбарлар ва ёш ходимларда ишончни шакллантириш механизмлари ишлаб чиқилган.

2-жадвалда кўрсатилган бир қатор статистик ҳисоб-китоблар давомида олинган натижалар раҳбарлар ва ёш ходимлар ўртасида самарадорлик, ташкилий тартиб-интизом, бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш ($p=0,001$) каби ишончни

таркибий қисмларининг ифодаланганлик даражасида сезиларли фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Шу билан бирга, раҳбарлар ва ходимлар учун ахлоқий тартиб-интизом компонентининг муҳимлиги аҳамиятлилик даражаси бўйича фарқ қилмайди ($p=0,001$).


Олинган маълумотларни янада визуал намоёиш қилиш учун 5-расмга мурожаат қиламиз.



5-расм. Ёш ходимлар ва раҳбарларнинг тасаввурларида ишонч компонентларининг муҳимлилик профилларини таққослаш

5-расмда кўришиб турибдики, умуман олганда, раҳбарларда ишонч компонентларининг муҳимлик даражаси ходимларга нисбатан юқори. Бундай қонуният бизга ташкилот раҳбарларининг бошқалар билан, хусусан ўз қўл остидагилари билан янада талабчан ва пухта муносабатда бўлишларини англатади. Улар учун ҳамкасблар билан ишончли муносабатларни шакллантириш унчалик ҳам осон ва оддий эмас. Ишонишдан олдин, улар, аввало, ходимда бошқаларга нисбатан инсонийлик, самимийлик ва эътиборлиликда ифодаланган бошқалар ҳиқида ғамхўрлик қилишнинг намоён бўлишини кўришлари керак. Раҳбарларга нисбатан ходимлар бевосита ўз бошлиқларига бўйсунадиган ташкилотнинг ўрта бўғини ҳисобланади. Уларнинг ваколатига ташкилотдаги ходимларни бошқариш ва ишга қабул қилиш кирмаганлиги сабабли, улар учун ташкилий ишонч таркибий қисмларининг намоён бўлишининг аҳамияти раҳбарлардек муҳим аҳамият касб этмайди. Бироқ шунга қарамай, ишончли муносабатларни ўрнатишда ходимлар учун, биринчи навбатда, нафақат ҳамкасблар, балки раҳбариятнинг самарадорлиги ҳам муҳимдир.

